

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

Ушбу мадрасаи олия Туркистон подшоларидан Имомкулихон хазратларининг давринда сипохсолор ва ҳам Самаркандга волий бўлгон Абдулкарим Ялангтўш Баходир тарафиндан бино килингандур.

Ялангтўш Баходир Самарканд аскарлари ила Хуросон ва Машхадни истило этиб, ул тарафдан келтургон амвол, ганойим ила Самаркандга ушбу Шердор ва ҳам Тиллакори мадрасаларини бино этибдур. Бу мадрасалар дохилан ва хорижан чиний мулавви қоши ила зийнат берилиб қошиларини аксари гўё бугун усто ва санъаткор кўлидин чикгон кабилдур.

Тарих биноти Шердор мадрасасини дохилий ва гарбий токинда чиний музойик ила зердаги вахх узра назман ёзилгандур...

Шердор мадрасасининг мадхали ва жабахаси гарбдаги Мадрасаи Мирзо Улугбек Кўрагоний мадрасаси мохазисинда мутаважжих ва иккиси юз ба юз бир шаклда бино килинган. Иккиси фосиласи юз аршин ва ораси тош фарш килинган васиъ бир майдондурки, Регистон аталур.

Регистоннинг шимоли ва жануби катта йўл бўлуб, шимолидаги каноринда болода зикр килингон икки мадраса рукн ва зовияларига муқобил Тиллакори мадрасаси мабнидур. Шердорнинг самти хориждан хадди гарбия ва шаркияси 82 аршиндан, шимолий ва жанубий жихатлари 95 аршиндан бўлуб, жамъан 779 мураббаъ аршин ерни мухтавийдур.

Шердорни сахни дохилиясининг гарбий ва шаркий хадлари 54 аршиндан, шимолий ва жанубий тарафлари 52 аршиндан бўлуб, вусъати 2808 мураббаъ аршин ва ери мармар тош ила фарш бўлуб, тўрт жихатдан хужралар ва тўрт катта равоннинг жабахаси ушбу мураббаъ сахнга мутаважжих ва нафси иморатни ўрни 4910 мураббаъ аршин ерни шогилдур. Мадраса икки ошённа бўлуб, 64 хужра, икки катта дарсхона, дохилан тўрт катта тоқни мухтамилдур...

Пештокнинг хорижий жабхасинда меҳробнинг икки тарафинда бир-бирига муқобил йкки шер (арслон) шаклини мусаттах чиний ва қошилар ила арслон рангида мулавлан тасвир қилинган учун Мадрасаи Шердор аталибдур. Арслон нақшасининг асари бу кунда ҳам маълумдур. Мадраса ва миноранинг бошқа жиҳатларинда тасвир йўқ ва аксарият ила ояти ҳадис ва тарихи абётни мраммларга музойикланган ва қоши мулавлан чинийлар ила ёзилгандур. Мадраса минора ва куббаларининг бутун сатҳини араб, эрон, хинд услуб наққошии узра мулавлан чиний ва рангоранг қоши ила ниҳоят нафис суратда нақшлангандурки, тўрт аср бўлган бўлса ҳам қошилар офтоб ва ой нурини акс этдурар ва кўзни камашдурар.

Минора мадҳалига етгандан сўнгра минора ичиндаги 56 зина воситасила миноранинг шарафаси устинда минилур. Энди ушбу буюк минора устидан Самарканд фирдавсмонандининг зумурраддин боғу бўстонлари, хушоҳанг латиф нахрлари, тўғри ва аваҷожлик йўлларини тамошо этиб, Самарканд шаҳри офокнинг атрошом, соғлом, нафис хавосини шимитмали ва бу муборақ офокдаги юзлар ила тариз тоғ парчаларидек мадраса, дахма, кубба, масжидларни сайр қилмали.

У муборақ кубба, дахма ва букъалар боний ва соқинларининг мозийга мадфун ва мужассам тарихий ва диний қаҳрамонликларини ёд этиб, баҳри таоммикига махв ва гарк ўлмали.

«Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон, 6—9-бетлар.